



Илмий – амалий конференция  
материаллари

**ИЛМ - ФАН  
ВА  
ИННОВАЦИЯ**

Қ а р ш и

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ**

**Илмий-амалий конференция  
материаллари**

**Қарши**

**“Қарши давлат университети” нашриёти  
2016**

40	<i>Karimova M. Qurbonov A.</i>	Kurashchilarning yurak-qon tomir va nafas olish tizimlaridagi adaptatsion o'zgarishlar	128
41	<i>Буронова Г.</i>	Ошқозон-ичак йўлининг шаклланишига биологик ритмларнинг таъсири	130
42	<i>Valiyev T.</i>	Kibernetik leksikografiya va til korpusi muammolariga doir	133
43	<i>Тожиева Г.</i>	Лингвомаданиятшунослик лугати ва концептуал лексикография	140
44	<i>Нафасова В.</i>	Паронимларнинг ўзбек тили лексикасида тутган ўрни	144
45	<i>Jo'rayeva S., Shodmonov N.</i>	Oqil lirik merosiga bir qarash	147
46	<i>Nurmurotov I., To'rayev D.</i>	Uchliklarda tasvir ko'lamı	149
47	<i>Cho'iyyeva N., Imotova G.</i>	Sh. Bo'tayev qissalarida sobiq davr mafkurasi oqibatlari in'ikosi	152
48	<i>Авазназаров О.</i>	Таъбирномаларнинг яратилиш сабаблари	155
49	<i>Нуриллаева Ш., Ўринова О.</i>	Зид маънолиликка асосланган бадий санъатлар	158
50	<i>Маннонова М., Жабборов Э.</i>	Кулолчилик терминологиясида сўз ясалиши	161
51	<i>Маҳмудова Ф., Жабборов Х.</i>	«Топқирлар беллашуви» дарси	163
52	<i>Диярова Н., Киёмов Р.</i>	Глаголы управление и переходность с предложным сочетанием с предлогом for в современном английском языке	165
53	<i>Хужаниязова Х.</i>	Стилистические проблемы перевода	169
54	<i>Ashurova Z., Nazarov A.</i>	Enlightment movement in Turkistan	172
55	<i>Хамраева Е., Убоженко А.</i>	Лексические ошибки в речи учащихся-узбеков и пути их исправления	174

## ТАЪБИРНОМАЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ САБАБЛАРИ

*Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги  
магистранти: Авазназаров О.*

Туш – инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланган. Умри давомида ҳар бир инсон турли хил тушлар кўради. Кўрган тушларининг сири ва моҳиятини билишга интилади. Тушни таъбир қилишга интилиш натижасида эса таъбирномалар шаклланади. Ана шу эҳтиёж туфайли ҳам Шарқ-у Ғарбда юзлаб таъбирномалар яратилган ва яратиб келинмоқда.

Бизнингча, тушга нисбатан бундай ёндашувнинг, яъни туш таъбири билан қизиқишнинг сабаблари бир нечта омиллар билан боғлиқ. Бу омилларни аниқлашда тушнинг турлари ҳақида берилган диний ва дунёвий таърифларга эътибор қаратиш жоиз.

“Қуръони Карим”да, Имом Бухорий ҳадисларида, Муҳаммад ибн Сирин, Абдулғаний ан-Нобулсий, Кирмоний, Муҳаммад ат-Тафлисий каби улуғ Шарқ муаббирлари асарларида башоратли тушлар ҳақида айтилади. Ушбу манбаларга кўра, “Яхши кишининг туши пайғамбарликнинг қирқ олти улушидан биридир”. Абу Ҳурайрининг айтишича, Расулulloҳ (с.а.в.) бемор бўлиб қолганларида ёронлари хузурларига келиб: “Сиз бизга яхши ишлардан хабар берар эдингиз, энди эса, Аллоҳ ўзи асрасин, ажал келиб қолса, бизга ким хабар беради, дин ишида ва чоралар борасида қаердан хабар топамиз?” деб сўрашди. У зот: “Вафотимдан сўнг ваҳий келиши тўхтайдими, аммо башорат тўхтамайди”, дедилар. “Башорат нима?” деб сўрашган эди, “(Башорат) яхши одамнинг туш кўриши ёки у ҳақида бошқа одамнинг туш кўриши”, деб жавоб қилдилар.

Юқоридаги кўплаб манбалардан туш таъбири билан қизиқишнинг муҳим омилларидан бири унинг башоратчилик хусусияти эканлиги англашилади. Тушнинг бу хусусиятидан бадий адабиётда ижодкорлар усталик билан фойдаланишади.

Француз профессори Марсел Брионнинг “Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур” асарида бош қахрамон Темур кўрган қуйидаги туш тасвирларида тушнинг башоратчилик хусусияти яққол намоён бўлади:

“Бухородан кайтганимдан сўнг бир оз вақт ўтиб кизик бир туш кўрдим. Қандайдир шаффоф холатда қаршимда нарвон турарди. Унинг остки икки оёғи ерга қадалган, аммо юкоридаги икки учи ҳеч нарсага тиркалмаган эди. Ҳайрон бўлдим, бу қанақа нарвонки, ҳеч нарсага суянмай тик турибди?! Шу пайт ғойибдан бир овоз келди: “Темур, шу нарвондан юкорига чик!”

...Мен биринчи пиллапояга оёқ босдим. Мустахкам-лигини синаб кўрдим. Ишонч ҳосил қилгач юкорилай бошладим. Маълум бир баландликка кўтарилгач, сездимки, чап оёғим менга бўйсунмаяпти. Аммо унда оғриқ аломатлари йўқ эди. Шунчаки мен уни кимирилата олмасдим, холос. Шунда бояғи овоз яна тилга кирди: “Нега тўхтаб қолдинг ва кўтарилишда давом этмаяпсан?” мен сабабини айтдим. У: “Ишдан чиққан чап оёғинг кўтарилишингга халал бермайди – баландлайвер”, – деди.

Унинг ундови билан юкорига тирмашишда давом этдим. Яна бир оз юкорилагач, энди ўнг кўлим ҳам менга бўйсунмай қолди. Фақат батамом эмас, балки қисман. Бармоқларим етарли иш бажармаётганди. Охир-оқибат нарвоннинг энг юкори чўққисига чиқдим, ундан у ёғига пиллапоя йўқ эди. Шунда ғойибдан келган овоз: ... сен бу йўлдан юксалиб борасан ва ҳеч қачон пастанга тушмайсан, деди.

Мазкур туш тасвирида Темурнинг умри давомида рўй берган баъзи энг муҳим воқеалар ҳақида башорат қилинади. Асар давомида тушда қилинган башоратларнинг барчаси амалга ошганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шунингдек, бу тасвир орқали туш таъбирига қизиқишнинг иккинчи бир омили юзага чиқади. Бу – тушнинг инсон руҳиятига таъсири масаласидир. Ушбу туш Темурнинг руҳиятига, унинг жанговар кайфиятига, жамиятнинг зиёлилар қатламига бўлган муносабатларига жуда жиддий таъсир қилади. Темур: “Туш таъсирида яна ҳам дадилландим”, – дея таъкидлайди. Бу бежиз эмас. Чунки у ўзининг қилаётган ҳар бир ишида Аллоҳ кўллашини ҳис қилади. Бу кайфият асар қаҳрамонига бутун умри давомида ҳамроҳ бўлади.

Демак, кўрган тушимиз бизнинг руҳиятимиз, кайфиятимиз, кишилар билан муносабатларимизга, шу орқали келажаги-

мизга ҳам жиддий таъсир кўрсатиши, бизга жуда катта рухий кувват бериши мумкин экан. Баъзида шу сабабли уларнинг таъбири билан кизикамиз.

Яна бир турли тушни Ибн Сирин “Кишининг ўзи гапирган нарсалардан кўрган тушлари”, Кирмоний “Ўзича ёки ўзига гапирган сўзлардан бўлиб, бу сўзлар хаваси туфайли тушида кўради” дейди. XX аср Европа олими Зигмунд Фрейд ҳам худди шунга монанд куйидаги фикрларни айтади: “Таъбир этиб маъносини йўядиган тунги тушларимиз ҳам кундузги хаёлларимизнинг худди ўзгинасидир. Тил мислсиз закоси ила аввалбошданоқ хаёлпарастнинг ҳавойи “ижод”ини “ўнгда кўрилган туш” деб атаб, туш моҳиятини-да кашф этган-кўйган”. Ўзбек олими Жаббор Эшонқул эса “Туш – инсон кечинмаларининг, хоҳ болаликда бўлсин, хоҳ вояга етган паллада, универсаллашган рамзларидир”, дея таъкидлайди. Ушбу муштарак фикрлар “Туш – руҳият кўзгуси” деган хулосага келишимизга имкон беради. Шундай экан тушни таъбир қилиш инсон руҳияти, унинг ўй-хаёллари ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу эса таъбирномалар яратилишининг сабабларидан яна биридир. Балки айти шу омил туфайли буюк табиблар Гиппократ ва Ибн Сино туш ҳақида ўз фикрларини билдиргандирлар.

Демак, туш баъзида башоратчилик хусусиятига эга бўлиши, инсон руҳияти, психологиясига таъсир кўрсатувчи, унинг рухий ҳолати, ўй-фикрлари, саломатлиги ҳақида хабар берувчи ҳодиса эканлиги сабабли ҳам кишилар эътиборини тортади. Бизнингча, айти шу сабаблар туфайли инсоният минг йиллар давомида таъбирномалар яратиб келмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирномаси / Форсчадан Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2011. – Б.9.
2. Марсель Брион. Менким, соҳибкирон – жаҳонгир Темур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.53-57.
3. Zigmund Freyd. San'atkor va xayolparastlik // Tafakkur. – Toshkent, 2014. N 6. – B.71.
4. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.17.